Субъектом преступления, предусмотренного статьей 260 УК являются работники, чья деятельность связана с организацией безопасности движения железнодорожного, морского, речного или воздушного транспорта (например, работники службы движения, центра управления воздушным сообщением, диспетчерской службы, старший штурман, руководитель полетов), а также работники, непосредственно эксплуатирующие транспортное средство (командир (капитан) и штурман судна, машинист и его помощник и другие).

23. Ответственность по статье 262 УК наступает в случаях недоброкачественного ремонта железнодорожного, морского, речного, воздушного, автомобильного или иного транспортного средства, путей сообщения, средств сигнализации, связи или другого транспортного оборудования, а равно в случаях выпуска в эксплуатацию технически неисправных транспортных средств, совершенных лицом, выполняющим ремонт, либо ответственным за техническое состояние и эксплуатацию транспортного средства. При этом лицо, ответ-

ственное за техническое состояние транспортных средств, путей сообщения, сигнализации, средств связи или другого транспортного оборудования, должно быть осведомлено о технической неисправности.

24. Суды должны отличать преступления, связанные с нарушением правил дорожного движения или эксплуатации транспорта, от преступлений, связанных с нарушением правил техники безопасности или охраны труда на транспорте.

Под нарушением правил дорожного движения или эксплуатации транспорта (статья 266 УК) понимается совершение таких действий в процессе движения транспортного средства на дорогах. Если в процессе использования транспортного средства, в частности при загрузке-разгрузке транспорта, ремонте транспортного средства, выполнении строительных, сельскохозяйственных и других видов работ в результате нарушения правил техники безопасности или охраны труда причиняется средней тяжести или тяжкое телесное повреждение, смерть человека либо иные тяжкие последствия, то действия лица, ответственного за соблюдение этих правил, подлежат квалификации по статье 257 УК.

25. Суды при определении вида и срока наказания лицу, признанному виновным в совершении дорожно-транспортного происшествия, должны исходить из принципов гуманизма и справедливости, неукоснительно выполнять требование закона об индивидуализации наказания по каждому делу, уделять особое внимание степени общественной опасности совершенного преступления, поведению лица после происшествия (например, его действия по оказанию медицинской помощи потерпевшему, оказание потерпевшему и его семье материальной и иной помощи, возмещение материального и морального вреда, причиненного преступлением и т.п.), и другим обстоятельствам, смягчающим или отягчающим наказание.



26. При рассмотрении дел о преступлениях, предусмотренных статьями 260, 262, 265 УК, суды должны обсудить вопрос о применении к подсудимому дополнительной меры наказания в виде лишения определенного права. Данный вопрос подлежит обсуждению независимо от того, обладает ли лицо таким правом на момент рассмотрения дела (например, оно было лишено права на управление транспортным средством до совершения преступления либо в ходе следствия в административном порядке или на основании приговора суда).

Поскольку санкции статьи 261, частей второй и третьей статьи 266 УК предусматривают обязательность применения дополнительного наказания в виде лишения определенного права, суд при наличии исключительных обстоятельств, предусмотренных статьей 57 УК (например, основная профессия подсудимого — водитель и он другой специальности не имеет), может не применить дополнительное наказание, обосновав свое решение в описательной части приговора.

27. Обратить внимание судов на то, что при рассмотрении дел о преступлениях против безопасности движения и эксплуатации транспортных средств важное значение имеет взыскание материального ущерба, причиненного указанными преступлениями. При разрешении этих вопросов судам необходимо руководствоваться разъяснениями, изложенными в постановлениях Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11 сентября 1998 года № 21 "О судебной практике по вопросам возмещения материального ущерба, причиненного преступлением", а также от 28 апреля 2000 года № 7 "О некоторых вопросах применения законодательства о компенсации морального вреда".

28. При установлении фактов недобросовестного отношения к выполнению служебных обязанностей, неудовлетворительного состояния транспортных средств, нарушений трудовой и испол-

нительской дисциплины нарушения правил содержания автомобильных дорог, улиц, железнодорожных переездов и других дорожных сооружений в организациях, предприятиях, учреждениях, способствовавших совершению преступления, судам следует путем вынесения частных определений (постановлений) обращать внимание соответствующих государственных органов и должностных лиц на эти обстоятельства.

В случаях установления по делу грубого нарушения правил содержания автомобильных дорог, улиц, железнодорожных переездов и других дорожных сооружений (обвал дорог, оставление открытыми люков подземных коммуникаций, не установление предупредительных знаков и т.п.), способствовавшего совершению дорожно-транспортного происшествия, повлекшего последствия, предусмотренные статьей 266 УК, судам необходимо направлять прокурору соответствующие материалы для дачи правовой оценки действиям лиц, ответственных за соблюдение указанных правил (работников ремонтно-строительных или эксплуатационных организаций, сотрудников службы безопасности дорожного движения органов внутренних дел и т. п.).

29. В связи с принятием данного постановления признать утратившим силу Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 22 декабря 2000 года № 32 "О судебной практике по делам, связанным с преступлениями против безопасности движения и эксплуатации транспорта".

**Председатель**

**Верховного суда**

**Ш. ГАЗИЕВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного  
суда**

**Д. КАМИЛОВ**

# Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилиши ва бошқарувини такомиллаштириш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлаш, бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратишга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Мардонбек БОБОЖОНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти етакчи илмий ходими*

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши мумкин. Низоларни ҳал этиш тизими уларни суд орқали ва муқобил усуллар билан ҳал қилишни ўз ичига олади.

Маълумотларга қараганда, республикамиз судлари томонидан 2001 йилда жами 125 мингдан зиёд фуқаролик иши кўриб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 469 мингдан, 2006 йилда 421 мингдан ортиқни ташкил этган.

2012 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан жами тамомланган ишларнинг сони 160 мингдан ортиқни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб 170 мингдан зиёд бўлган. Бу эса, айтиш пайтда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланидиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда судларнинг иш юкларини камайитишга эришиш долзарб масала эканини кўрсатади.

Кейинги йилларда низоларни муқобил усуллар орқали ҳал этишга катта эътибор берилмоқда ва бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда.

Айтиш керакки, 2006 йилда қабул қилинган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ташкил этилган ҳакамлик судлари шундай механизмлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, низони суддан ташқари тартибда, холис воситачи кўмагида томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этиш усули бўлган ва низоларни бартараф қилишда мураса йўлини топиш имконини берадиган медиация ҳам фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойилларига мос келади.

Яраштирув ва воситачилик усуллари халқимизнинг кўп асрлик анъана ва урф-одатларига мос бўлиб, азалдан маҳалларда қўлланиб келинган. Бугунги кунда ушбу воситалар мамлакатимизни демократик ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда аниқ ҳуқуқий асосга эга бўлмоқда.

Шу туфайли давлатимиз

рахбарининг "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам жиноий, маъмурий суд ишлари юритилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш; фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий низоларни судгача, суддан ташқари ҳал қилиш тартибини янада такомиллаштириш; умумий юрисдикция судларининг ҳукмлари, қарорлари ижро этилиши устидан суд назоратини кучайтириш вазифалари назарда тутилган.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида масъул давлат органлари, муассаса ва ташкилотлар томонидан илмий излашлар амалга оширилмоқда, амалиёт ўрганилмоқда. Хусусан, низоларни ҳал қилишнинг суддан ташқари тартибини такомиллаштириш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, уларни миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Назарий нуқтаи назардан қараганда, низоларни муқобил ҳал қилиш деганда, муайян аниқ ҳолатдан келиб чиқувчи низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги келишмовчиликни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай усуллар воситасида ҳал қилиш тушунилади.

Низоларни ҳал қилиш-

нинг муқобил усуллари низолашаётган томонлар ва бошқа шахсларнинг вужудга келган низони суддан ташқари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа воситалар орқали тартибга солишни назарда тутати. Унинг асосий мақсади — зиддиятли муносабатни бартараф қилиш ёки муносабат иштирокчилари учун низо натижасида вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари тажрибасида низоларни ҳал қилишнинг ўндан ортиқ турли хил муқобил усулларидан фойдаланилади. Жумладан:

Медиация — томонлар ўртасидаги низони холис шахс (воситачи) иштирокида, низоли масала бўйича томонлар учун мажбурий бўлган келишув ишлаб чиқиш асосида ҳал қилиш усули. Бу жараёнда учинчи тараф, яъни воситачи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмайди.

Яраштирув — низоларни ҳал қилишнинг яна бир усули бўлиб, бунда учинчи шахс, яъни холис тараф мустақил равишда низолашаётган томонлар учун низони ҳал қилиш бўйича шартлар ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш ваколатига эга бўлади. Ушбу шартлар ва усулларни томонлар қабул қилиши мажбурий эмас, лекин воситачининг таклифини албатта, кўриб чиқиши шарт ҳисобланади.

Музокаралар — низолар-

ни ҳал қилиш бўйича кенг қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, низолашаётган томонларнинг низони тартибга солиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган тўғридан-тўғри алоқасини англатади. Унинг муваффақияти шу билан изоҳланадики, айнан низолашаётган томонларнинг ўзлари зиддиятли вазиятни бартараф қилишда муҳим ўрин тутати.

Қонун чиқарувчи муайян турдаги муносабатларда судга мурожаат қилишнинг зарурий шarti сифатида музокара жараёнини (шикоят тартиби) белгилаб қўйиши мумкин. Воситачи иштирокисиз ёки бетараф воситачи орқали амалга ошириладиган музокаралар — унчалик қиммат бўлмаган ва низони етарли даражада тез ҳал қилиш усули ҳисобланади. Музокаралар асосан низони ҳал қилишнинг бошқа усуллари ҳар иккала томоннинг ҳам манфаатига салбий таъсир этадиган ҳолларда қўлланилади. Бунда томонлар низонинг моҳиятини турлича талқин қилишлари оқибатида зиддият юзага келган тақдирда, улар ўзаро фикр алмашиб низони ҳал қилиш йўлини топишлари мумкин.

Холис тарафнинг дастлабки баҳолаши — низони ҳал қилишнинг ўзига хос усули бўлиб, бунда низолашаётган томонлар иккала томон учун ҳам маъқул бўлган обрўли шахсга низоли масала бўйича мурожаат этади ва

у томонларга низоли ҳолат юзасидан оғзаки ёки ёзма тарзда дастлабки хулоса беради. Одатда, холис тарафнинг хулосаси мажбурий кучга эга бўлмайди.

Мини-суд (мини-триал) — низоли ҳал қилишда қўлланиладиган, баҳсли масала суд тартибида муҳокама қилинадиган жараён ҳисобланади. Бунда мажбурий равишда корхона раҳбарлари, уларнинг юристлари ва зарур ҳолларда учинчи мустақил тараф иштирок этиб, иш кўриб чиқилишига бошчилик қилади.

Суд бошлангунга қадар томонлар музокара ва иш моҳиятини ўрганиш шаклида бир-бири билан маълумотларни алмашади ҳамда томонларни қизиқтираётган манфаатларга аниқлик киритилади. Иш судья томонидан эмас, балки томонлар вакиллари тарафидан кўриб чиқилади. Вакиллар низоли тартибга солишда тўлиқ ваколатга эга бўлади. Баъзида процессда раислик қилиш, музокара ва маълумот алмашишни таъминлаш учун холис юрисконсулт жалб этилиши мумкин. Низо моҳияти баён қилинган, томонлар музокарага киришади. Агар холис юрисконсулт жалб қилинган бўлса, у воситачи вазифасини бажариши ёки низоли ҳал қилиш бўйича ўзининг мустақил хулосасини бериши мумкин.

Воситачилик — ҳакамлик суди. Ушбу усул низоли тартибга солишнинг во-

ситачи судьялар иштирокидаги тури ҳисобланади. Ушбу жараёнда тарафлар низоли ҳал қилиш бўйича воситачи ва судья сифатида айнан бир шахсдан фойдаланишга келишиб олади. Воситачилик билан тартибга солинмайдиган масалалар ҳакамлик суди орқали ҳал қилинади.

Бундан ташқари низоли ҳал қилишнинг ҳакамлик суди — воситачилик кўриниши ҳам учрайди. Бунда дастлаб ҳакамлик судига муурожаат этилади ва кейинчалик масала воситачилик орқали ҳал қилинади. Ушбу усулнинг ўзига хос томони ва фойдали жиҳатлари шундаки, бу усул орқали низо ҳал этилишида томонлар учун муҳим бўлган тижорат сири ва бошқа шу каби маълумотлар тарқалишининг олди олинади.

Низоли ҳал қилишнинг юқорида келтириб ўтилган ва бошқа турлари ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига зиддиятларнинг йўл билан ҳал қилиш, шерикчилик муносабатларини сақлаб қолиш ва турли хил суд харажатларидан озод бўлиш имконини беради.

Низоли ҳал қилишнинг муқобил усулларини қўллаш низоли муносабат иштирокчиларига низоли ҳал қилишда бир қанча афзалликларни вужудга келтиради.

Биринчидан, низоли ҳолат суд тартибидан кўранча тез ҳал этилади. Бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда энг за-

рур омиллардан бири бўлмиш вақтни тежашни таъминлайди.

Иккинчидан, низо тарафлар ўртасида ўзаро келишув асосида ҳар иккала томон учун ҳам қулай бўлган ҳолатда ҳал этилади.

Учинчидан, низоли ҳал қилишнинг муқобил усуллардан фойдаланиш томонларни катта миқдордаги суд харажатлари, суд ишларини юритишда адвокатларга қилинадиган катта миқдордаги пул сарфларидан халос этади.

Тўртинчидан, низоли ҳуқуқий муносабат муқобил усуллар орқали ҳал этилганда ҳар иккала томон музокара жараёнида низоли оқибати қандай яқунланиши мумкинлиги тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлади ва шунга мувофиқ келишув чораларини топишга ҳаракат қилади.

Бешинчидан, низоли ҳал қилишнинг муқобил усулларини қўллаш ишни кўриб чиқиш жараёнининг маълум даражада махфийлигини, тижорат сирлари тарқалиб кетмаслигини таъминлайди.

Мухтасар айтганда, низоли ҳал қилишда муқобил усулларни қўллашнинг кенг жорий қилиниши бугунги кунда суд органларидаги асосий муаммолардан бўлган иш ҳажмининг катталигидан халос этади. Натижада судлар томонидан кўриладиган ишларнинг ҳам сифат кўрсаткичлари яхшиланишига эришилади.

# Фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

## фуқароларнинг қонуний манфаатларини янада кафолатли ҳимоясига хизмат қилади

*Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларидан бири бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гаҳлсизлигини таъминлаш — суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг бош мақсади сифатида белгиланган.*

**Абдурасул ЭРАНОВ,**  
*Олий суд бўлим бошлиғи*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Мазкур конституцивий ҳуқуқни амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлашда судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқишни тартибга солувчи фуқаролик процессуал қонунчилик ва унинг такомиллаштирилиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Фуқаролик процессуал кодекси амалга киритилганидан кейинги даврда унга бир қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва бу жараён изчиллик билан давом этиб келмоқда.

Шу ўринда қонунчиликка киритилган янгилекларни таҳлил этадиган бўлсак, улар моҳият-эътибори билан судларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тез ва сифатли ҳимоя қилинишини таъминлашга йўналтирилганлиги яққол намоён бўлади.

Хусусан, фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш ва суд буйруғи тартибида иш юритишнинг жорий этилиши, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган шахсни ғайририхтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштириш, сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайририхтиёрий тартибда ётқизиш ёки беморнинг ушбу муассасада даволаниш муддатини узайтириш, фарзандликка олишнинг суд томонидан белгиланиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикояти келтириш ҳуқуқи фуқароларнинг суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашда иштирок этиш ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтди. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шартлиги ҳақидаги талаб эса, уни қабул қилишда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш ва иш юзасидан қонуний ва асослантилган тўхтамга келишга имконият яратади.

Шу ўринда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини судларда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бу борадаги процессуал қонунчиликнинг такомиллаштирилгани хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Жумладан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим

қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонунга асосан Фуқаролик процессуал кодексининг 310, 320, 346 ва 348<sup>1</sup>-моддалари янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, эндиликда суд қарорларига нисбатан нафақат ишда иштирок этувчи шахслар, балки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳам шикоят (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бундан ташқари суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш ва асоссиз сансоларликларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, қонун талабига кўра, суд қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризаларни қаноатлантириш ҳақидаги суд ажримлари устидан хусусий шикоят келтириш мумкин эмаслигини инobatга олиб, айрим ҳолларда қонуний ва асосли бўлган суд қарорларининг бекор қилиниши натижасида низолар яна суд инстанцияларида бир неча бор кўрилар эди. Бу эса, қонуний ҳуқуқлари ўз вақтида тикланган шахсларнинг ўринли эътирозига сабаб бўларди.

Шу маънода Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддасига киритилган ўзгартириш бундай ҳолларга барҳам бериш имкониятини яратди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, суд амалиёти амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш, ундаги айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш, мавжуд ноаниқлик ва зиддиятларнинг бартараф этилишини тақозо этмоқда. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 5-моддасида фуқаролик ишлари фақатгина аризалар асосида қўзғатилиши назарда тутилган. Лекин Фуқаролик процессуал кодексининг 27 ва 28-бобида кўрсатилган тоифадаги ишлар бўйича фуқаролик ишлари нафақат ариза, балки шикоятлар асосида ҳам қўзғатилишига йўл қўйилади. Қонуннинг амалдаги таҳрири ушбу тоифа-

даги фуқаролик ишларини расман қонунда назарда тутилмаган асосларсиз қўзғатилишига олиб келмоқда. Шу сабабли қонунда фуқаролик ишлари шикоят ва даъво аризалари бўйича ҳам қўзғатилишини қайд этилиши мазкур тоифадаги ишлар бўйича иш юриштининг қонунийлигини таъминлайди.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 33-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра, тарафлар (яъни даъвогар ва жавобгар), учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

Лекин алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризачи ва манфаатдор шахслар, шунингдек, шикоят билан судга мурожаат қилган шахслар ишда иштирок этувчи шахслар доирасидан четда қолган. Ваҳоланки, бу шахсларсиз қайд этилган тоифадаги ишларнинг ўзи мавжуд бўлиши мумкин эмас ва амалиётда мазкур шахслар суд процессида айнан Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. Шундай экан, ушбу шахсларни ҳам ишда иштирок этувчи шахслар доирасига киритиш ишда иштирок этувчи шахслар доирасини тўғри ва тўлиқ белгилашга хизмат қилади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 47-моддасида прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра, прокурор бошқа шахснинг ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган аризасидан воз кечиши бу шахсни суддан давлат божи тўлаган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ушбу моддада прокурорнинг даъводан воз кечишининг оқибати кўрсатилгани ҳолда, прокурор томонидан тақдим этилган даъводан даъвогарнинг

воз кечиши қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши масаласи ҳал этилмаётган қолган. Амалиётда бундай ҳолатлар юзага келишини эътиборга олган ҳолда қонунчиликда бу масалани ечимини мустақамлаб қўйиш лозим. Бу масалани Хўжалик процессуал кодексининг 43-моддасида белгиланган тартибда, яъни прокурор томонидан тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келиши ҳақидаги қоида билан ҳал этиш мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 49-моддасида ҳам айнан шундай муаммони ҳал этиш зарурати кўзга ташланади.

Бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундириш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳам амалиёт учун муҳим аҳамиятга касб этади. Бу ўринда аввало давлат божи ставкалари миқдорини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Даъво суммасининг ортишига мутаносиб равишда давлат божи суммалари ҳам ўз-ўзидан ортиб бориши суд харажатларини қоплаш учун етарли бўлгани ҳолда бож ставкаларининг ҳам 5 фоиздан 20 фоизга қадар белгиланганлиги, хўжалик судларидаги ва халқаро тажрибадаги давлат божи ставкаларини белгилаш принциплари билан ўзаро номутаносибликни юзага келтирди.

Судлар томонидан давлат божи тўлашдан озод қилиш асослари ва механизмининг ҳам батафсилроқ акс эттириш бу борадаги қонунчиликнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш имконини беради. Бунинг учун аввало Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддаси 1- ва 2-қисми, 112-моддаси 1-қисми ва 113-моддаси 1-қисми ўртасидаги мавҳумликларни бартараф этиш лозим.

Шуни айтиш керакки, судловга тааллуқлилиқ қонунчиликка кўра, процессуал тушунча ҳисобланади ва унга оид нормалар албатта, фуқаролик процессуал қонунчилик асосида тартибга солинади. Бироқ амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 142 ва 144-

моддаларидаги фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ва Олий суднинг судловига тааллуқли ишларга оид нормалар ҳаволаки диспозициядан иборат. Натижада мазкур судлар судловига тааллуқли ишлар тоифасини процессуал қонунчиликдан эмас, балки бошқа қонун ҳужжатларидан излаш зарурати юзага келади ва ушбу ҳолат айрим ноқулайликларга сабаб бўлади.

Келгусида амалдаги Хўжалик процессуал кодекси ва Жиноят процессуал кодексида ҳал қилинганидек, вилоят судлари ва Олий суд судловига тааллуқли ишлар тоифаларини бевосита Фуқаролик процессуал кодексининг муайян моддаларида аниқ ва тўлиқ белгилаб қўйилса, айрим ноқулайликлар ва англашилмовчиликларга чек қўйилади, деган фикрдамиз.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексининг 349 ва 354-моддалари ўртасида ҳам ўзаро номувофиқлик мавжуд. Яъни Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасига кўра, вилоят судлари раислари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган шахслар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қарорларига ва ажримларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эгадирлар. Бу ғоятда ўринли. Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 354-моддасида вилоят судларининг мазкур протестларни кўриб чиқиш ваколати назарда тутилмаган.

Бу эса, апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган суд қарорларига нисбатан келтирилган протестлар бўйича вилоят судлари томонидан ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда раёсат қарорлари чиқарилишига олиб келмоқда.

Келгусида фуқаролик процессуал қонунчиликдаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш ва қонунчиликни янада такомиллаштириш фуқаролик ишлари бўйича қонуний ва асосланган қарорлар қабул қилинишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

# Исбот қилишнинг умумий шартлари

суд ҳукмининг асосли ва адолатлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети

**Олим ШАВАЗИ,**

*Олий суд катта консултантти*

Авалло шуни айтиш керакки, одил судловни амалга ошириш, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш ва айбдорга нисбатан қонуний жазо тайинлаш ҳамда айбсиз шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш жараёнида жиноят ишига дахлдор далиллар фоятда муҳим ўрин тутаети. Зотан, жиноят ишини қонуний, асосли, ва адолатли ҳал қилиш учун мазкур жиноий қилмишга алоқадор далилларни тўплаш, текшириш ва уларни баҳолашни тақозо этибгина қолмай, қилмишнинг жиноийлигини, шахснинг ушбу қилмишни содир этишдаги айбини исбот қилиш имконини беради. Умуман олганда, исбот қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида, суд муҳокамаси жиноят процесси босқичлари тизимида асосий ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади.

Суд муҳокамаси чоғида жиноят ишини қўзғат-

тиш, дастлабки тергов, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш каби босқичларда тўпланган далиллар текширилади ва уларнинг ҳаққонийлиги ҳамда мақбуллигига қонуний баҳо берилади. Суд муҳокамаси жараёнида дастлабки тергов органлари томонидан иш бўйича тақдим этилган материалларни текшириб чиқиш билан чегараланибгина қолмай, иш юзасидан бевосита бошқа далиллар талаб қилиб олиш, иштирокчилар тақдим қилган бошқа далилларни текшириш ва баҳолашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади..

Моҳиятан олиб қараганда, жиноят процессида исбот қилишнинг умумий қоидалари ва суд муҳокамасининг умумий талаблари ўзаро мутаносибдир ҳамда ягона мақсад-адолатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд муҳокамасининг умумий шартлари деганда, суд муҳокамасининг барча қисмла-

рига жорий этилиб, унинг муҳим хусусиятларини ўзида намоён қилувчи қонун талаблари тушунилади. Суд муҳокамасининг умумий шартлари бўлган суд таркиби ва унинг ўзгармаслиги, суд мажлисига раислик қилувчининг ваколатлари, суд муҳокамаси иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги, узлуксизлиги, ошкоралиги, суд муҳокамаси юритиладиган тил, суд муҳокамасининг доираси, янги айблов ва янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини кўшимча терговга қайтариш, жиноят ишини кўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш, тугатиш, суд мажлисида ўрнатилган тартибга риоя қилиш, суд муҳокамасини суд мажлиси баённомасида тўлиқ ифодалаш ҳар бир жиноят иши юзасидан аниқ бир қарорга келиш, ишни тўла, ҳар томонлама ва холисона ҳал қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя



қилиш — одил судловнинг муҳим омили бўлиб, суд муҳокамаси босқичи бошқа босқичларга нисбатан жиноий ишларнинг мазмунан тўғри ҳал қилинишида кўпроқ процессуал кафолатга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, суд муҳокамаси иштирокчиларига кўпроқ ҳуқуқлар берилган бўлиб, қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам юклайди. Суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя қилмаслик ҳар бир жиноят иши юзасидан нотўғри хулоса чиқаришга олиб келиши, натижада айбсиз шахслар жиноий жазога тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

Суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя қилиш ўз-ўзидан исбот қилишнинг умумий шартларидан суд жараёнида фойдаланишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари жиноят процесси принципларига асосланиб, уларни узвий равишда, тўлиқ амалга ошириш учун хизмат қилади.

Суд муҳокамасида суд иш юзасидан суриштирув, дастлабки терговда тўпланган материаллар ҳамда бошқа далиллар билан бевосита танишиб, уларни текшириб чиқади. "Суд муҳокамасидаги далилларни бевосита текшириш суд муҳокамаси босқичида марказий ўринни эгаллайди. Бевоситаликнинг мазмуни

шундан иборатки, судья ўз олдида турган жиноий иш бўйича инсон тақдирини тергов органлари томонидан тақдим этилган далиллар билангина эмас, балки суд муҳокамаси давомида бевосита маълумотларни, кўрсатмаларни эшитиш, далилларни кўриш ва билиш асосида ҳал қилади. Бунда маълумотни бевосита ўша шахснинг ўзидан эшитиш, далиллар манбаасининг асл моҳиятини англаш, тегишли материаллар билан шахсан танишиш лозим. Дастлабки тергов органи томонидан тақдим этилган ёзма материаллар эса, суд муҳокамаси учун дастлабки, ёрдамчи ва кўмакчи характерга эга бўлади".<sup>1</sup>

Жиноят-процессуал кодексининг 26-моддасида белгилаб қўйилганидек, жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшитишлари шарт.

Бевоситалик ва узлуксизлик ҳақида Н.Я. Калашникова шундай фикр билдирган: "...қонун судьяларга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни шахсан сўроқ қилиш, экспертларнинг хулосаларини

эшитиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённома ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиб, ўқиб эшиттириш мажбуриятларини юклайди. Бунда судья имкон қадар дастлабки манбалардан фойдаланади, яъни шахсан гувоҳни сўроқ қилади, ҳужжатларнинг асл нусхалари бўйича мазмуни билан танишади. Суд фақат суд мажлисида текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради....

Дарҳақиқат, суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилигидан унинг узлуксизлиги ҳамда ошкоралиги тўғрисидаги қоидалар келиб чиқади. Суд муҳокамасининг узлуксизлиги деганда, суд томонидан кўриладиган жиноят ишлари юзасидан ҳар бир далилни бевосита текшириш талабларига риоя қилиниши ва бу жараённинг яхлитлигини англаш мумкин. Жиноят ишига алоқадар бирорбир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик мақсадида дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари суд муҳокамаси ҳар бир иш учун узлуксиз тарзда олиб борилиши лозим".<sup>2</sup>

Суд муҳокамасининг бевоситалиги унинг оғзакилиги билан чамбарчас боғлиқдир. Уларни ўзаро чегаралаш мумкин эмас. Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқаларни сўроқ қилиш йўли билан уларнинг

оғзаки гапларини бевосита эшитиб, қабул қилиб, уларнинг кўрсатмаларига баҳо беради. Лекин алоҳида ҳолларда суд томонидан суд мажлисига келмай қолган гувоҳларнинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилади. Бунда оғзакиликка риоя қилиниб, бевоситалик истисно этилади, бошқа ҳолларда эса, бевоситаликдан чекинишга йўл қўйилмайди.

Суд муҳокамасининг оғзакилиги бевоситалик учун зарур бўлган дастлабки имкониятдир. Оғзакилик — суд муҳокамасида иштирокчилар ва суднинг ўзаро алоқасининг ифодаси бўлса, бевоситалик суд томонидан шу алоқанинг маълум иш юзасидан далил сифатида қабул қилинишидир.

Суд муҳокамасида судланувчи, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар оғзаки кўрсатма берадилар ва уларга оғзаки шаклда саволлар берилади. Оғзаки илтимосномалар билдирилади, прокурор хулоса беради, суд музокараларида нутқ сўзланади. Суд муҳокамаси давомида суд томонидан қабул қилинган ажримлар эълон қилинади ва ҳужжатлар ўқиб эшиттирилади. Суд муҳокамасининг оғзакилиги ва бевоситалиги тўғрисида ҳуқуқшунос олим В.М. Савицкий шундай қайд этади: "Далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда эшитилиши, кўрилиши, текширилиши туфайлигина су-

дья ва халқ маслаҳатчиларида ички ишонч вуждга келади, шунинг натижасида бўлажак ҳукмга асос яратилади".<sup>3</sup>

Жиноят ишларини кўриб, ҳал қилишда суд муҳокамасининг очиқ, ошкора олиб борилишининг тарбиявий ролини оширади. Шунингдек, ошкоралик судларнинг иш фаолиятидаги хато ва камчиликларни руёбга чиқариб, жамоатчиликка намоён қилади.

Ошкоралик суд муҳокамаси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг тўла ва самарали кафолатидир. Ошкоралик суд муҳокамасидаги ҳар бир иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга, одил судловни амалга оширишга ёрдам беради. Суд муҳокамасида қатнашаётган давлат органларининг мансабдор шахсларига ўзларининг процессуал ваколатларини амалга ошираётганда иш ҳолатларига объектив ёндашишларига йўл очиб беради. Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига асосан, барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади. Давлат сирларини кўриқлаш манфааларига зид келадиган, шунингдек, жинсий дахлсизликка оид ҳамда 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноят ишлари бундан мустасно. Аниқроқ айтганда, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълум-

отларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда ишларни ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Очиқ суд мажлисида шахсий ёзишма ва телеграф хабарномалари фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими тўлиқ суд муҳокамасига нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ. Суд судланувчи ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек, бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганликлари учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ

суд мажлисида иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир. Суд залида тартибни сақлаб туриш мақсадида зарур ҳолларда суд айрим шахсларни очиқ суд мажлисларида катнашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисига раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Суднинг ҳукми, ажрими ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Судлов фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш учун баъзи ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар бериши, шунингдек, суд мажлисини бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

Суд ишни очиқ ёки ёпиқ суд мажлисида кўрилишини белгилашда суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирига, айрим фуқароларнинг манфаатларига, яъни уларнинг шахсий ҳаётига оид сирларнинг ошкор бўлмаслиги, шаъни ва кадр-қимматига путур етмаслигига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Жинойат иши ёпиқ суд мажлисида кўрилганда ҳам суд муҳокамаси давомида қонунда белгиланган барча талаб ва қоида-

ларга риоя қилиниши шарт. Суд муҳокамасида 16 ёшга етмаган шахслар иштирок этишига йўл қўйилмайди. Агар 16 ёшга тўлмаган шахслар судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ тариқасида ишга жалб этилган бўлса, суд мажлисида иштирок этишлари мумкин ва улар иштирокининг чегараси раислик қилувчи судья томонидан белгиланади. Судья зарур ҳолларда ўз ажрими орқали суд мажлисида иш ошкора кўрилмаслиги тўғрисида хабар бериши мумкин. Бундан ташқари суд жараёни тугагач, унинг натижалари ва жараён оммавий ахборот воситалари, радио, телевидениеда намойиш қилиниши мумкин. Ушбу жараённи чоп этиш ёки телевидениеда кўрсатиш суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг амалга оширилиши талаб этилади (агар бу иш ёпиқ суд мажлисида кўрилган бўлса).

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, жинойат процессида исбот қилишнинг умумий шартларидан суд жараёнида фойдаланиш одил судлов самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

<sup>1</sup> Уголовный процесс. /Под. ред. К. Ф. Гуценко. -М.: Зерцало, 1997. - Б.301.

<sup>2</sup> Калашникова Н.Я. Судебное разбирательство по уголовному делу. - М.: Юрид. лит., 1962. - Б.15.

<sup>3</sup> Савицкий В.М. Что такое уголовный процесс. -М.: Знание, 1987. - Б.142.

## Muloqot

**Тўрт ой муқаддам хусусий корхонада иш бошладим. Айтинг-чи, айтилган асосий меҳнат таътилига чиқшим мумкинми?**

**Абдурахим ҲАМИДОВ,  
Тошкент шахри**

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шунини айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 143-моддасида таътиллари бериш тартиби белгилаб қўйилган. Унга биноан, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан сўнг берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Шунингдек, таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилади: аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан ёки ондан кейин; I ва II гуруҳ ногиронларига; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга; муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга; ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунарга ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар (заҳётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар; технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-модданинг иккинчи қисми 1-банди).

# Қонуннинг вақт бўйича амал қилиш институти

## қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутади

Маълумки, одил судловни амалга ошириш, жамиятда қонунустворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда қонуннинг вақт бўйича амал қилиши институти ҳам муҳим ўрин тутади.

**Шоназар БЕРДИЕВ,**  
*юридик фанлар доктори*

Шу маънода амалдаги Жиноят кодексидаги "Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши"га (13-модда) оид норманинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади.

Айтиш керакки, "вақт" атамаси кенг маънони англатади. Хўш, юридик адабиётларда қўлланиладиган вақт тушунчаси қандай изоҳланади? Мазкур ҳуқуқий атаманинг моҳиятини англашда аввало, унинг фалсафадаги замон ва макон тушунчалари билан узвий боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим.

Изоҳли луғатларда вақт — оламнинг муҳим атрибутларидан бири бўлиб, маконнинг замонда кечишининг асосий мезони, бу жараённинг даврийлиги ва давомийлиги, чексизлигини ифода этади, деб қайд этилган. Замон ҳақида сўз юритилганда эса, унинг чексизлиги эътироф этилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, замон фақат бир томонлама, яъни илгарилаб бориш хусусиятига эга. Аммо шунга қарамасдан, илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, ҳуқуқий фанлар, айниқса, жиноят ҳуқуқида вақт категорияси алоҳида институт сифатида ўрганилиб келинади.

Ўз навбатида, замон тушунчасини даврларга бўлиб — асрлар, йиллар, ойлар,

соат ва дақиқа, сониялар билан ўлчаганда, инсон тафаккурининг энг қисқа дақиқалари, кичик-кичик нуқталарини аниқлаш имкони туғилади. Шу нуқтаи назардан, Жиноят кодексининг 13-моддаси диспозициясида "вақт" тушунчаси айнан йил, ой, кун билан боғлиқ бўлиб, у муайян шахс томонидан жиноий хатти-ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик содир этилганини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят кодексининг 13-моддаси биринчи қисмида "Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога лойиқлиги" қайд этилган бўлиб, ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Бунда "амалда бўлган қонун" деган сўзларга эътибор қаратиш лозим. Бу авваламбор, Жиноят кодексидаги норма қабул қилиниб, ўрнатилган тартибда эълон қилинган бўлиши керак.

Маълумки, қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунда белгиланган. Мазкур қонуннинг 24-моддаси талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Жиноят кодекси, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади ва расман эълон қилинганидан сўнг кучга киради.

Қонунда унинг кучга кириши билан боғлиқ бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у эълон қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач, кучга кирган ҳисобланади. Яъни қонун қабул қилинганидан сўнг роппа-роса ўн кун ўтгач, яъни ўн биринчи куннинг бошланишидан (яъни соат 00.00 дан) у амалда бўлади.

Шу ўринда халқаро ҳуқуқда ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигида қонуннинг вақт бўйича амал қилиши тўғриси-

даги қоида мавжудми, деган савол туғилиши табиий. Ҳа, шундай қоида мавжуд. Масалан, БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти 15-моддаси 1-бандида "Ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра, жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун жиноят содир этилганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланилиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчиликка нисбатан қўлланилади", дея қайд этилган.

Бундан ташқари бир қатор ривожланган давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам қонуннинг вақт бўйича амал қилишига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Хусусан, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 2-параграф 1-қисмига биноан, жазо ва унинг қўшимча оқибатлари жиноят содир этилаётган вақтда ҳаракатда бўлган қонун билан белгиланади. Агар қилмиш содир этилган вақтда санкция ўзгарса, содир этилган қилмиш тугаган вақтдаги ҳаракатда бўлган қонун билан белгиланади. Агар қилмиш тугалланаётган вақтда ҳаракатда бўлган қонун қарор чиқарилишидан олдин ўзгарса, бундай ҳолатда енгилроқ жазо қўлланилади.

Шунингдек, Бельгия Жиноят кодексининг 1-боб 2-бандига мувофиқ, ҳеч бир ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузарлик содир этилгунга қадар қонунда кўрсатилмаган жазога тортилмайди. Агар суд қарори чиқарилаётган вақтдаги жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда амалда бўлган жазодан фарқ қилса, унча оғир бўлмаган жазо қўлланилади.

Бу борада миллий қонунчилигимиз ва юқорида мисол сифатида келтирилган халқаро ҳамда хорижий давлатлар қонун ҳужжатларида қайд этилган қоидалар ўртасида ҳамоҳанг жиҳатлар мавжудлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси биринчи қисмига биноан: "Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган

пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади".

Одатда, жиноят ҳуқуқида жиноятлар формал ёки моддий таркибга бўлиб ўрғанилади. Шу сабабли қонун ижодкори Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган нормасида формал ва моддий таркибли жиноятларни содир этиш вақтига аниқлик киритган ҳолда уларни фарқлаб (яъни, дифференциялаб) ифодалаган. Яъни ушбу нормаларнинг биринчиси формал таркибли, иккинчиси эса, моддий таркибли жиноятга тегишли қоидадир.

Яна бир муҳим жиҳат. Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасида "Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади", дея қайд этилган.

Қонуннинг вақт бўйича амал қилишига эътибор беришдан мақсад шуки, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга. Яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар тадбиқ этилади (Жиноят кодекси, 13-модда, 2-қисм).

Мазкур норма мазмунида, биринчидан, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган; иккинчидан, жазони енгиллаштирадиган; учинчидан, шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқа қайтиш кучига эгаллигига оид тушунча ўз ифодасини топган. Демакки, ана шу санаб ўтилган ҳолатлардан биронтаси учраганда, жиноий қилмиш содир этилган пайтида Жиноят кодексида амалда бўлган модда асосида айбдорга жазо ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинадиган Амнистия актининг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, улар фақат амнистия акти қабул қилинган кунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда мазкур ҳужжат қабул қилинган кунгача жиноят содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилиши, яъни вақт энг асосий фарқловчи мезондир.

Шунга ўхшаш айрим моддий таркибли жиноятлар бўйича етказилган зарар миқдорининг вақти-вақти билан ўзгартирилиши, яъни қоида тариқасида жиноят юзасидан етказилган зарарни энг кам ойлик иш ҳақининг миқдорига тенглаштирилиб ҳисобланишини давлатимиз раҳбарининг фармонлари билан энг кам ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоблар асосида кўпайиб бориши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳам фоятда муҳимдир.

Мисол учун 2010 йил январидан энг кам иш ҳақи 49 минг 735 сўм бўлган, 2015 йил январига келиб бу миқдор 118 минг 400 сўмни ташкил этган. Шу сабабли Жиноят кодексининг 188-моддасидаги "Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш", 189-моддасидаги "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш" билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортишда Жиноят кодексининг 13-моддаси татбиқ этилиши натижасида ана шу ўзгарган миқдор таъсир этганини кўриш мумкин.

Мазкур модданинги учинчи қисмида эса, "Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас", деган қоида ифодаланган. Мисол учун 2009 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят кодексига "Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш ташиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарлик" номли янги 186<sup>3</sup>-модда киритилди.

Қонуннинг вақт бўйича амал қилиниши нуқтаи назаридан қараганда, мазкур модда билан 2009 йил 18 сентябрдан бошлаб жиноят содир этган шахсларнинг қилми-

ши баҳоланади.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, жазони ўтаётган маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки қилмаслик масаласи ҳал қилинаётганда қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақида фикр юритилмайди, чунки муддатидан илгари жазодан озод қилиш ҳақидаги қонун қилмишни жиноийлигини ёки жазога сазоворлигини ҳал қилмайди.

Қонуннинг вақт бўйича орқага қайтиш кучига эга эканига оид нормалар, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик кодексининг 9-модда 3-қисми ҳамда Солиқ кодексининг 3-модда 3 ва 4-қисмларида ҳам мавжуд. Эътиборли жиҳати шундаки, Фуқаролик кодексининг 4-моддаси, 1-қисмида фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилгандан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан йўлланилиши белгиланган.

Фуқаролик кодекси асосида тартибга солинадиган муносабатлар билан узвий боғлиқ, айтилиши вақтда алоҳида соҳа ҳисобланган Меҳнат, Ер, Уй-жой, Шаҳарсозлик, Оила, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларида қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилишига оид нормалар мавжуд эмас.

Фуқаролик кодексидаги нормалар ер, уй-жой, шаҳарсозлик, оила, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ соҳаларни тартибга солишда умумий асос сифатида қўлланилади. Айтилиши пайтда ер, уй-жой, шаҳарсозлик, оилага доир қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, юқорида номлари санаб ўтилган қонун ҳужжатлари ҳам қонунларнинг вақт бўйича амал қилишига оид алоҳида модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, тергов ва суд жараёнида жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши шахснинг қилмишини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш, ҳақиқатни аниқлаш, жазо тури ва миқдорини тўғри белгилаш, ижтимоий адолат, қонунийлик принципларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, қонунларимизда акс этган инсонпарварлик тамойилига бекаму-кўст риоя этилиши, пировардида шахснинг қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортишни таъминлайди.

# Хусусий-оммавий айблов: у қандай хусусиятларга эга?

**Дилнавоз БЕКМАТОВА,**

*Тошкент давлат юридик  
университети мустақил изланувчиси*

Маълумки, жиноят-процессуал фаолият йўналиши сифатида жиноий таъқиб ўзичига айбловни шакллантириш, уни далиллар билан асослантириш, айб эълон қилиш ва айбловнинг ўзгариши, жиноят ишини айблов хулосаси тузиш билан якунлаш, уни прокурор томонидан тасдиқлаш ҳамда ишни судга юбориш каби процессуал ҳаракатларни қамраб олади. Судда эса, жиноий таъқиб давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, жабрланувчи томонидан айбловнинг, фуқаровий даъвогар томонидан фуқаровий даъвонинг қувватланиши, агар айблов тарафи ҳукмдан норози бўлиб, жиноий таъқибни давом эттирмақчи бўлса, уни апелляция ёки кассация тартибида ҳукм устидан шикоят қилиш орқали амалга оширилади.

Жиноят процесси назариясида содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига боғлиқ ҳолда, жиноий таъқибнинг оммавий, хусусий-оммавий ва хусусий айблов шакллари эфироф этилади. Бизнингча, жиноятнинг хусусияти, уни

қўзғатиш ва тугатиш асослари, субъектлари, жиноий таъқибни амалга оширувчи ваколатли орган ёки мансабдор шахс, жисмоний шахснинг ваколатларига боғлиқ ҳолда жиноий таъқиб оммавий, хусусий-оммавий, хусусий, оммавий-хусусий айблов тартибида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Оммавий айблов терговчи томонидан шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқариши билан бошланиб, айб эълон қилиш, айблов хулосаси тузиш ва тасдиқлашни ўзичига олади. Оммавий айбловга доир ишлар жиноят ишларининг аксарият қисмини ташкил қилади. Жиноят кодексининг 118-моддаси биринчи қисми ва 119-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят ишлари эса, хусусий-оммавий айбловга, унча оғир бўлмаган, жиноий тажовузнинг объекти фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳисобланадиган жиноятлар (Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-мод-

даси биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар) хусусий айбловга, 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари (Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бундан мустасно) оммавий-хусусий айбловга тегишлидир. Оммавий ва оммавий-хусусий айблов ишлари бўйича жиноий таъқибни давлат номидан прокурор, терговчи ва суриштирувчи амалга оширади. Жабрланувчи, унинг қонуний вакили, шунингдек, фуқаровий даъвогар хусусий, хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича айбланувчини жиноий таъқиб қилишда иш-

тирок этишга, Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган тартибда айбловни шакллантириш ва қувватлашга ҳақлидир. Содир этилган жиноят корхона, муассаса ва ташкилотлар манфаатларига таъсир этган ҳолларда, улар ўз вакиллари орқали жиноий таъқибда иштирок этиш ваколатига эга.

Бироқ айрим процессуалист олимлар томонидан айблов юритувининг бошқача таснифи ҳам келтирилади. Хусусан, Ф.М.Мухитдинов томонидан айблов юритуви оммавий айблов, хусусий-оммавий айблов ва хусусий айбловга бўлиш таклиф қилинган. Ҳуқуқшунос олим оммавий айбловни оддий ва асосий юритувдаги айбловга, асосий юритувдаги айбловни эса, мураккаб юритувдаги айблов (вояга етмаганлар иши бўйича айблов; судда айбланувчисиз ўтказиладиган айблов; суд назоратида юритиладиган айблов) ва алоҳида юритувдаги (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ишларида прокурор иштироки) айбловга бўлади. Ўз навбатида, хусусий-оммавий айблов соддалаштирилган тартибда айблов юритиш (айбловнинг протокол шакли, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишдаги айблов) ҳамда жисмоний ва ақли заиф, айбланувчига қарам шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги юритиладиган айбловга ажратилган<sup>1</sup>. Назаримизда, айблов — жиноий

таъқибни оммавий, хусусий-оммавий, хусусий ва оммавий-хусусий айбловга ажратган ҳолда тадқиқ этиш жиноят ҳамда жиноят-процессуал нормалар мазмунини янада батафсилроқ акс эттиради, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада И.Л.Петрухин ҳамда И.Б.Михайловскаялар таъкидлаганидек, жиноий таъқибнинг турларини ажрата туриб, қонун уларга айбловни амалга оширишнинг турли шакллари сифатида қарайди. Шунинг учун жиноий таъқибнинг турлари — бу аслида айбловнинг турлари. Жиноий таъқибнинг мазкур турлари бир-биридан оммавий ва хусусий манфаатларнинг ўзаро нисбати-мезонига кўра фарқланади. Уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: а) жиноий таъқибни қўзғатиш ва уни тугатиш субъекти; б) жиноий таъқибни амалга оширувчи субъектда ҳокимият ваколатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; в) жиноий таъқибни амалга ошириш усуллари ва процессуал чораларининг ўзига хос хусусияти; г) процессуал мажбурлов чораларини қўллаш доиралари. Мазкур муаллифларнинг фикрича, жиноятларнинг аксарият қисми оммавий айблов тартибда таъқиб қилинади<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оммавий айблов тартибда юритиладиган жиноий таъқиб деганда, давлат ташаббуси билан

қўзғатиладиган ва амалга ошириладиган; хусусий-оммавий айблов тартибдаги жиноий таъқиб деганда, шахсларнинг мурожаати билан қўзғатиладиган ва кейинчалик давлат томонидан таъқиб этиладиган; оммавий-хусусий айблов тартибдаги жиноий таъқиб деганда, мансабдор шахслар ва давлат органлари томонидан қўзғатиладиган ҳамда жабрланувчи шахс ташаббуси билан тугатилиши мумкин бўлган; хусусий айблов тартибдаги жиноий таъқиб деганда, шахс ташаббуси билан қўзғатиладиган ҳамда унинг ихтиёри билан тугатилиши мумкин бўлган жиноий таъқиб тушунилади.

Жиноий таъқибнинг мазкур тўртта турини фарқлашда энг асосий мезон бу — жиноят ишини қўзғатиш ва тугатишда жабрланувчининг ҳал қилувчи иштироки ҳисобланади. Бошқача айтганда, Жиноят кодексининг аниқ моддаларини ушбу мезон бўйича тақсимлаш Жиноят процессуал кодексининг 325-моддаси ҳамда Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасидан келиб чиқади.

Айбловнинг ушбу турлари ичида хусусий-оммавий айблов ўзига хос ўрин эгаллайди. Хусусий-оммавий айблов нисбатан кам турдаги жиноят ишларига тегишлидир. Бу турдаги ишлар жабрланувчининг шикоятни бўйича қўзғатилади ҳамда улар юзасидан дастлабки тергов ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Лекин хусусий айбловга



доир жиноят ишларидан фарқли равишда, жабрланувчи билан айбланувчи ярашган ҳолларда жиноят иши тугатилмайди ва бу туркумдаги айблов содда-лаштирилган тартибда иш юритишга тааллуқли эмас<sup>3</sup>.

Бу ҳақда С.Б.Россинский "Хусусий-оммавий айблов - айблов тарафининг процессуал фаолияти бўлиб, оммавий ва хусусий айбловларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, жиноят содир қилган шахсни фош қилишга йўналтирилади"<sup>4</sup>, деб қайд этади.

Жиноят процессуал кодексининг 325-моддасида жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини кўзғатиш тартиби кўрсатилган. Ушбу моддада белгиланган иккита жиноят таркиби — номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондирганлик билан боғлиқ жиноят ишлари (Жиноят кодексининг 118-119-моддалари биринчи қисми) фақат жабрланувчининг шикоят аризаси асосида кўзғатилади ва умумий тартибда давом эттирилади. Шунинг учун мазкур жиноят ишлари хусусий-оммавий айблов тарзида таъқиб қилинадиган жиноятларга киритилиши керак. Жиноят процессуал кодексининг 325-моддасида кўрсатилган бошқа

жиноят таркиблари (Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар) хусусий айбловга доир ишларга киритилиши лозим. Сабаби, улар жабрланувчининг аризасига кўра, кўзғатилиб, айбланувчи ва жабрланувчи ярашиб кетишлари муносабати билан иш юритувдан тугатилиши мумкин.

Хусусий-оммавий айбловга доир ишлар бўйича исботлашда жабрланувчининг кўрсатмалари муҳим ўрин тутлади. Бундай ишларни кўзғатишга доир махсус тартиб ўрнатилишига сабаб, бу жиноятлар жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказди. Шунинг учун айнан жабрланувчининг ўзи ушбу ҳаракатлар орқали унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига етказилган зарар масаласини ҳал қилишга ҳақли<sup>5</sup>.

Прокурор ушбу тоифадаги ишлар бўйича айрим ҳолларда фақат тегишли асослар бўлганда, жабрла-

нувчининг шикояти бўлмаган тақдирда ҳам ишни кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади<sup>6</sup>. Жиноят процессуал кодексининг 325-моддаси мазмунини таҳлил қилиш асосида мазкур ҳолатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: а) жабрланувчининг ночор аҳволда бўлганлиги (шикоят билан мурожаат эта олиш имкониятининг чекланганлиги); б) айбланувчига қарам бўлганлиги; в) бошқа сабабларга кўра, ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда (руҳий ёки жисмоний нуқсонни ёки бошқа объектив ва субъектив сабаблар тугайли). Бизнингча, жабрланувчининг вояга етмаганлиги ҳам мазкур ҳолатлар доирасига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай ҳолатларда прокурор жабрланувчининг шикояти мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, айбланувчига эълон қилинадиган айблов ҳажмини белгилайди. Шу муносабат билан Жиноят процессуал кодексининг 325-моддаси биринчи қисмида "жабрланувчининг вояга етмаганлиги" ҳолатини ҳам прокурорга жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқини берувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. - Тошкент: Адолат, 2002. - Б. 245.

<sup>2</sup> Петрухин И.Л., Михайловская И.Б. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. Учебник. - М.: Проспект, 2010. - С.96.

<sup>3</sup> Головинская И.В. Является ли рассмотрение мировым судьей уголовных дел частно-публичного и публичного обвинения упрощенной формой судопроизводства? // Российский следователь. - Москва, 2007. - №14. - С.4.

<sup>4</sup> Россинский С.Б. Уголовный процесс России: Курс лекций. - М.: Эксмо, 2008. - С.76.

<sup>5</sup> Сахаддинов С.М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. - Б.27.

<sup>6</sup> Джанишев Г.А. Основы судебной реформы. - М., 2004. - С.56.

# Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш йўлида

*Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан суд ҳокимиятини изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда судларни ихтисослаштириш амалга оширилди, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил рўёбга чиқариш мақсадида суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқарилди.*

## Шароф МЎМИНОВ,

*Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг бош консультанти*

Шунингдек, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилинган ва қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда туб бурилиш бўлди. Бундан ташқари ислоҳотлар жараёнида кассация инстанцияси ислоҳ қилинган ва ишларни апелляция тартибида қайта кўриш институти жорий этилган биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатишнинг муҳим кафолатига айланди. Одил судлов тизимини янги сифат босқичига кўтариш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 23 июндаги қарори билан Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди.

Айтиш керакки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асос-

ларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Мазкур Концепция суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларининг янги сифат босқичини бошлаб берди десак, хато қилмаган бўламиз. Концепцияда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан умумий юрисдикция судлари судьялари ҳамда мансаб даражасига эга бўлган суд ходимларининг иш ҳақи ҳамда алоҳида меҳнат шaroитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорининг оширилиши, даромад солиқ тўловларидан озод этилиши, имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар берилиши, турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб борилиши сингари кўплаб имтиёзларнинг яратилиши судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу ўринда хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасига назар ташласак, Германияда судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати асосан 1962 йилда қабул қилинган "Судьялар тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Қонунда қайд этилишича, судья оддий амалдорлар қаторига кирмайди, балки давлат билан ўзига хос муносабатда бўлади. Бундай ҳуқуқий мақомга эга бўлиш уларнинг мустақиллигини давлат амалдорларининг ғайри-

хуқуқий таъсиридан муайян даражада кафолатлайди.

Германия давлатининг ушбу қонунчилигига кўра, "давлат ва судья ўртасидаги хуқуқий муносабатлар"нинг тўртта хуқуқий шакли назарда тутилган бўлиб, булар умрбод тайинладиган, муайян муддатга тайинладиган, синов муддатли ва топшириқ бўйича судьялардир. Судьяларнинг аксарияти умрбод, аниқроғи, пенсия ёшига етгунга қадар (62 ёшгача) тайинландилар. Синов муддатли ва топшириқ бўйича судьялар судьялик лавозимини эгаллашга тайёрланаётган шахслардир. Муайян муддатга судьяликка эса, федерал қонун ҳужжатларида назарда тутилган шарт ва вазифаларни бажарган шахсларгина тайинланиши мумкин (масалан, Федерал Конституциявий суд судьялари). Судьяларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Юқорида қайд этилган тўртта хуқуқий шаклдан "умрбод судья" шаклигина Германия давлатидаги профессионал судьяликнинг асоси ҳисобланади.

Ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилиги ва амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб, келгусида суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга оид қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим, деган фикрдамиз.

Судларнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида судьяларни лавозимларга тайинлаш ва сайлаш муддатига ўзгартириш киритиш, яъни судьяларни узлуксиз муддатга тайинлаш ва сайлаш институтини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Масалан, судьянинг ваколат муддатини илк бор 5 йил, иккинчи муддатга 10 йил, кейинчалик умрбод этиб белги-

лаш судьяларга нисбатан янада юксакроқ масъулият юклатилишига сабаб бўлар эди.

Бундан ташқари бугунги кунда суд процесси иштирокчиларига нисбатан уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига шикаст етказиш, шуниингдек, ўлдириш ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш каби қилмишлар учун Жиноят кодексининг ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар каби фундаментал қоидалари асосида жавобгарлик белгиланган бўлса-да, судья, халқ маслаҳатчилари, прокурор, терговчи, ҳимоячи, эксперт мутахассис ва суд процессининг бошқа иштирокчиларига нисбатан соғлиғига зиён етказиш ёки мулкига шикаст етказиш, ҳаётга ёки соғлиғига хавф солиш билан қўрқитганлик учун жавобгарлик алоҳида белгилаб қўйилмаган.

Шу сабабли судья ва суд процесси иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва ижтимоий хуқуқларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда одил судлов тартибини бузишга оид қилмишларга чек қўйиш учун Жиноят кодексининг "Одил судловга қарши жиноятлар" номи XVI бобини "Одил судловни амалга оширувчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш", "Одил судловни амалга оширувчи шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш" каби янги моддалар билан тўлдирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Қайд этилган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада кучайтиришга, судьяларнинг дахлсизлиги, жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга, фуқароларнинг судларга бўлган ишончининг ортишига замин яратади.

## Muloqot

**Жиноят иши юритувдан тугатилгач, ашёвий далиллар эгасига қайтариладими?**

**Ботир ЭГАМКҲУЛОВ,**  
Сурхондарё вилояти,  
Ангор тумани

— Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ, ҳукмда, шуниингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса, уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайрихуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг хуқуқий ворисларига, шуниингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жиноий йўл билан ортирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

# Мажбурлов чоралари

## уни қўллаган ҳолда вояга етмаганларни жазодан ва жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва аҳамияти

Айтиш керакки, мамлакатимизда жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнида барча ёшдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш устувор аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, биз вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимини қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутати. Ишончим комилки, бу борадаги эркинлаштириш жараёнини изчил давом эттиришимиз зарур.<sup>1</sup>

**Асқар БОЙМАМАТОВ,**

*Тошкент юридик коллежи*

*«Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси*

**Гулзода БЕГЖАНОВА,**

*Қорақалпоқ давлат университети талабаси*

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасининг қўлланилиши суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш даврида муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда вояга етмаган шахсларга мажбурлов чораларини қўллаб, жазодан озод қилишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиш ўринлидир.

Жиноят кодексининг Умумий қисми XVI боби "Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш" деб номланади. Ушбу кодекснинг 87-моддаси 2-қисми вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш масаласига бағишланган.

Мажбурлов чоралари фақат вояга етмаганларга нисбатан қўлланилади ва унинг бош мақсади шахсни ахлоқан қайта тарбиялашдан иборатдир. Бундай таъсир чоралари жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш ва уларни соғлом турмуш тарзи йўналтиришига хизмат қилади.

Мажбурлов чоралари тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, уларни вояга етганларга нисбатан тайинлаш кутилган натижани бермайди. Демак, мажбурлов чораларини қўллаш вақтида шахс вояга етмаган бўлиши керак.

Вояга етганлик киши ҳаётининг муҳим босқичи бўлиб, шахс никоҳ-оила, сайлаш, армия сафида

хизмат қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлади. Шунга кўра, суд мажбурлов чораларини қўллаш вақтида жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг ёшини ҳам ҳисобга олиши керак.<sup>2</sup>

Бундай мажбурлов чоралари вояга етмаган шахсни жиноий жазо қўлламасдан ҳам тарбиялаш имконини беради.

Мажбурлов чоралари қўлланиш хусусиятига кўра жазо чораси ҳисобланмайди. Чунки айбдорга мажбурлов чоралари билан таъсир қилишда ишонтириш усулидан фойдаланилади, жиноят содир қилганлик учун жазо муқаррарлиги унга тушунтирилади.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тарбиялашдан иборатдир.

Мажбурлов чоралари тузилишига кўра, тарбия-

вий, ижро этилишига кўра, мажбурий хусусиятга эга. Бунда суд томонидан қўлланилган мажбурлов чорасини ижро этиш мажбурий бўлиб, уни ижро этмаслик бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашни тақозо этади.

Куйидагилар вояга етмаган шахсларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг формал асослари ҳисобланади.

Аввало, вояга етмаган шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этиши ёки беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этиши.

Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг куйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

биринчидан, бу чораларни қўллаш жиноий жазо қўлланилишини истисно қилади, мажбурлов чорасини қўллаган ҳолда жазодан озод қилинган вояга етмаган шахс жиноий жазодан озод этилади;

иккинчидан, қайси шахслар ушбу мажбурлов чорасига тортилиши лозим бўлса, уларнинг хоҳишидан қатъи назар, тортилади, бош тортилган тақдирда давлат томонидан ҳуқуқий таъсир чораси кўрилади, яъни мажбурлов чораси давлат то-

монидан мажбурий тарзда амалга оширилади;

учинчидан, бу чорани қўллаш суд органлари томонидан амалга оширилади. Жиноят кодексига биноан бошқа бирорта орган жиноят содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаш ваколатига эга эмас.

Айтиш керакки, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланади. Қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаганлиги сабабли жазодан озод қилинган вояга етмаган қўлланилган мажбурлов чораси мобайнида янги жиноят содир қилса, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш масалалари умумий асосларда ҳал қилинади.<sup>3</sup>

Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, агар содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин, деган хулосага келинса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш шартлиги

белгиланган.

Биринчи марта жиноят содир этишнинг жиноий жавобгарликдан озод этиш шarti сифатидаги мазмуни жиноятнинг расмий юридик белгиларига эмас, балки айбланувчининг шахси, унинг ижтимоий тавсифи — жамият учун хавфи мавжуд эмаслигига асосланади.

Ушбу ҳуқуқий таъсир чорасининг бир қатор жиноий жазога ўхшаш томонлари мавжуд, аммо улар умумий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Мажбурлов чораларининг жиноий жазо билан ўхшаш жиҳатлари куйидагиларда кўринади:

мажбурлов чоралари жазо сингари жиноий жавобгарликни амалга ошириш шаклларида бири хисобланади;

мажбурлов чораларини қўллашнинг асоси-ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш саналади;

мажбурлов чораларини ҳуқуқий тартибга солиш ва қўллаш жиноят қонуни билан амалга оширилади;

мажбурлов чораларини қўллашнинг бевосита ҳуқуқий асоси — суд органларининг қонуний ҳужжати-дир;

мажбурлов чораси қўлланилишининг асоси — бу ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишидир.

Вояга етмаган шахслар куйидаги ҳолларда мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиниши мумкин:

биринчидан, вояга етмаган шахс томонидан би-

ринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган бўлса;

иккинчидан, фақат суд томонидан;

учинчидан, тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чорасини қўллаш орқали.

Жазодан озод қилиш учун вояга етмаган шахсининг биринчи марта ёки такроран жамиятга жиддий хавф туғдирмайдиган унча оғир бўлмаган жиноят содир этилганлигини инобатга олиш лозим.

Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиб, жазодан озод қилиш, фақат суд томонидан қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Бундай ҳолда суд жазо қўллаган ҳукм чиқаради,<sup>4</sup> лекин унга нисбатан тарбиявий характердаги мажбурлов чораларини қўллайди.

Суд 18 ёшга тўлмаган шахсни жазодан озод қилиш вақтида унга нисбатан бир вақтнинг ўзида қандай турдаги тарбиявий характердаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳал этади. Бунда судлар томонидан фақат бир турдаги мажбурлов чоралари қўлланиши лозимлигини эсда тутиш зарур.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахс такроран Жиноят кодексининг Махсус қисми бошқа моддасидаги ёки айни бир модданинг турли қисмида назарда тутилган жиноятни содир этса ва бу

қилмишлар жиноятлар мажмуини ташкил қилса, жазодан озод қилишга йўл қўйилмайди. Унча оғир бўлмаган жиноят фақат қасддан содир этилган тақдирда вояга етмаган жиноятчини мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш мумкин. Шу ўринда шундай ҳақли савол туғилади: хўш, унча оғир бўлмаган жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса, жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаш қандай ҳал этилади?

Бу борада Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмига киритилган ўзгартириш аниқ берилмаганини айтиш ўринлидир. Бунга сабаб — унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига, юқорида кўрсатилганидек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилганлигидир. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятлар фақат қасддан содир этилган бўлиши лозим. Бироқ киритилган ўзгартиришда айб шакли бўйича маълумот берилмаган. Ваҳоланки, эҳтиётсизлик оқибати-

да содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган ва бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, аммо беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига тенг.<sup>5</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмини "беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган" деган жумлани "озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган" дея ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш муддатлари қўлланишига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ҳақида Жиноят кодексининг 87-моддасида ҳам (мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиш), 64-моддасида ҳам (жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан

озод қилиш), 69-моддаси- да ҳам (жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазо- дан озод қилиш) бирон-бир қоида назарда тутилмаган. Аниқроқ айтганда, мажбу- ров чораси қўлланган шах- сларга нисбатан бу муд- датлар қўлланилиши мум- кинлиги қонунчиликда ўз ифодасини топмаган.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 87-моддаси 3-қисмидан ақли расолик- нинг ёш чегараси ёки бошқача айтганда, ёш ин- фантилизми ҳақидаги қоида ўрин олган. Инфан- тилизм каттароқ ёшдаги болалар ёшига хос бўлган жисмоний тузилиш ёки характер хусусиятининг сақланиб қолиши хос бўлган ривожланишдан ор- қада қолишдир.

Ёш билан боғлиқ чек- ланган ақли расолик на- фақат руҳий аномалиялар билан, балки тиббий-био- логик, ижтимоий ёхуд иж- тимой-психологик ху- сусиятга эга бўлган бошқа омиллар билан ҳам боғ- лиқ. Унга календарь, био- логик ва ижтимоий- ҳуқуқий ёшдаги ўзаро мос келмасликда намоён бўла- диган тўлиқ ривожланма- ганлик хосдир.

Инсоннинг календарь ёши туғилган кунидан

бошлаб, инсон ҳаётидаги муайян пайтгача ўтган вақтга тенг. Календарь ёши йиллар, ойлар, кун- лар, зарур ҳолларда эса, соатларда ҳам ўлчанади. Биологик ёш индивид организмнинг кўрсаткич- лари мажмуини ушбу давр, халқ, мавжудлик- нинг жўғрофий ва иқтисо- дий шароитларидаги худди шу ёшдаги бошқа одамларнинг тегишли кўрсаткичлари билан қиёслаганда аниқланади. Ёш билан боғлиқ ўзгариш- лардаги биологик суръат- лардаги индивидуал фарқлар айрим одамлар ўзининг биологик ёшидан каттароқ, бошқалари эса, ёшроқ эканлигини кўр- сатувчи белги бўлиши мумкин. Индивиднинг иж- тимой-ҳуқуқий ёши ўзига хос ижтимоий-психологик кўрсаткичлари, жамиятга мослашиш даражаси, шахснинг фуқаро сифати- да эга бўлган ҳуқуқ ва бурчларининг ҳажми ва мазмуни, жамият олдиди- ги бурчининг мазмуни ва хусусияти билан боғлиқ.

Ёш билан боғлиқ чек- ланган ақли расолик икки мезон билан, яъни ижти- мой ва юридик мезонлар билан аниқланади. Ижти- мой ақли расолик де-

шахсининг жамиятга мос- лашиши, атрофидаги иж- тимой муҳит нормалари ва қадриятларини ўзлаш- тириш, унинг ижтимоий му- ҳитга кириш жараёни бу- зилишининг натижаси бўлмиш ёшдаги ривожла- нишда жиддий орқада қолаётганлигини тушуниш керак. Айнан шахснинг жа- миятга мослашиш даража- си ижтимоий мезонни ташкил қилади.

Ўсмирнинг ёш ривожла- нишидан орқада қолиши ёки чекланган ақли расо- лиги тиббий — биологик, психологик ёки ижтимоий омилларнинг ҳар бири би- лан боғлиқ бўлиши мум- кин. Иккинчи мезон юри- дик хусусиятга эга. У воя- га етмаган шахс ёши би- лан боғлиқ ривожланишда анча орқада қолганлиги натижасида ўзи содир эт- ган қилмишларнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмайди. Ёш билан чек- ланган ақли расоликнинг юридик мезонини айнан ўзи содир этган қилмиш- ларнинг аҳамиятини тўлиқ англашга қодир бўлмаслик ташкил қилади.

Юридик ва ижтимоий мезонларнинг бирлашиши ёш билан боғлиқ чек- ланган ақли расолик фак- тини қайд этиш учун асос бўлади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Том 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.- Б.42.

<sup>2</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Т., "Янги аср авлоди", 2010. 630 бет.

<sup>3</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Т., "Янги аср авлоди", 2010. 631 бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" ги 2000 й 15 сентябрь № 21-сонли қарори, 4-қ. 6-банд. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорлари тўплами 1991- 2006. Т. 2007. 2 жилд. 23 бет.

<sup>5</sup> Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммола- ри. Номз. Илм. Дар. олиш учун дисс... - Ташкент, 2006. 58 бет.

## ФУҚАРОЛИҚ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

### **Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги сабабли кассация инстанциясининг ажримини бекор қилинди.**

Г.Алиева жавобгар Н.Тўраевага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 3.800 АҚШ доллари ва 523.000 сўм қарзни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъво талабларини қувватлаб, жавобгардан 450.000 сўм олганлигини кўрсатиб, дастлаб тўланган 200.000 сўм давлат божини жавобгар ҳисобидан ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 7 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, Г. Алиеванинг жавобгар Н.Тўраевага нисбатан жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилиб, Н.Тўраевадан Г.Алиева фойдасига жами 3.281.000 сўм ундириш белгиланган.

Туманлараро судининг 2014 йил 18 августдаги ҳал қилув қарори ёзувидаги хатоларни тузатиш ҳақидаги ажримини билан мазкур иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қароридagi "жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш" ҳақидаги даъво талаби "қарз ундириш" ҳақидаги даъво талабига ўзгартирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 14 ноябрдаги ажримини билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Н.Тўраева томонидан 2010 йил 13 мартда ёзилган тилхатга кўра, у даъвогар Г.Алиевадан 2.000 АҚШ доллари олиб, шундан 2.160.000 сўмни қайтарган, қарзнинг қолган қисмини йилнинг охирига қадар қайтариб беришини билдирган.

Судда жавобгар Н.Тўраева даъвогар Г.Алиеванинг пластик карточка-

сидан ечиб олган нафақа пуллари ҳисобидан 495.000 сўм қарзи борлигини тан олган.

Биринчи инстанция суди ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш чораларни кўрмаган.

Жумладан, 2010 йил 13 мартда ёзилган тилхатда жавобгар томонидан 2.160.000 сўм ўша пайтда қайтарилганлиги кўрсатилган бўлиб, суд ушбу суммани асосий қарз суммасидан чегириб ташлаб ҳисоблаши лозим бўлса-да, даъвогар фойдасига жавобгардан 3.281.000 сўм ундириш ҳақида хулосага келиб, хатоликка йўл қўйган.

Шунингдек, суд 2.160.000 сўм қайтарилган пайтда банк курси бўйича неча долларга тенг эканлигига аниқлик киритиши ва қолган қарз суммасини ҳал қилув қарори чиққан пайтдаги долларнинг миллий валютага нисбатан қийматидан келиб чиқиб ундириши лозим эди.

Чунки Фуқаролик кодексининг 324-моддаси 1,2-қисмларига кўра, қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, бордию, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Шунингдек, судда даъвогар Г.Али-



ва жавобгардан 450.000 сўм олган-лигини, шу пулни қолган қарз суммасидан айириб ташлаб, ундириб беришни сўраган бўлса-да, биринчи инстанция суди ушбу ҳолатни ҳам эътибордан четда қолдирган.

Кассация инстанцияси ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чораларни кўрмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш билан чекланган.

Олий суд судлов хайъатининг 2015 йил 2 июндаги ажрими билан вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 14 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанцияга юборилди.

**Ишдаги қарама-қаршиликлар бартараф этилмаганлиги, аниқланган ҳолатларга тўғри ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинади.**

Б.Шерова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда кўрсатишича, марҳум отаси Ш.Қораевга тегишли бўлган 0,20 га. ер майдонига уй-жой қуриб, оиласи билан яшаб келган. Марҳум отасининг биринчи оиласи Қ.Акоповадан икки нафар фарзанд туғилган. Қ.Акопова вафот этганидан сўнг онаси Х.Хулова билан никоҳдан ўтиб, бирга яшашгани ва уларнинг турмушидан тўрт нафар фарзанд, яъни ўзи, М.Шерова, О.Шерова, ва М.Қораевалар туғилган. Отаси Ш.Қораев 1960 йилда вафот этган, акаси Қ.Шеров Самарқанд шаҳрида ишлаб, оила қуриб яшаб келган. Марҳум отаси Ш.Қораев қурган уйлар эскириб, ярқисиз ҳолга келиб қолгач, уй-жой ўрнида опаси М.Шерова турмуш ўртоғи Н.Тошев билан бирга бир уй ва даҳлиз, айвон қуриб, вафот этгунига қадар яшаб келишган. Ушбу уй-жойда ота-онасининг вафотидан сўнг ер ва коммунал тўловла-

рини тўлаб, ўғли Л.Ҳазратов билан бирга яшаб келишган. Аммо 2014 йил февраль ойида марҳум акаси Қ.Шеровнинг ўғли М.Шеров ушбу уй-жойда яшамасдан, унинг отаси номида бўлган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари марҳум отаси Ш.Қораевнинг номига уй-жойга эгалик ҳуқуқини тикламасдан, жавобгар М.Шеровнинг номига эгалик ҳуқуқини тиклаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини, туман газлаштириш ва электр тармоқлари ҳамда солиқ идораларидан ҳужжатлар тўплаб, кадастр идорасига тақдим қилган. Тўпланган ҳужжатлар туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ходимлари томонидан ўрғаниб чиқилмасдан, уй-жойга нисбатан жавобгар М.Шеровнинг эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Бунда қолган меросхўрларнинг розилиги олинмаган. Жавобгар М.Шеров ушбу қарор асосида уй-жойни С.Расуловга давлат нотариал идораси орқали 2014 йил 8 июнда олди-сотди шартномасига асосан сотиб юборган Б.Шерова шу асосларга кўра, туман ҳокимининг қарори ҳамда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 9 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Б.Шерованинг даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди раёсатининг 2015 йил 27 февралдаги қарори, апелляция инстанциясининг 2014 йил 4 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, низоли уй-жой марҳум Шер Кораев томонидан 1923 йилда қурилиб, унда дастлаб Ш.Қораев оиласи ва фарзандлари билан яшаган. Унинг вафотидан кейин уй-жойда жавобгар М.Шеровнинг отаси Қ.Шеров яшаб келган ва у томонидан

1980 йилда эски уй-жойлар бузиб ташланиб, янги уй-жойлар қурилган.

Туман ҳокимининг 2014 йил 16 майдаги қарори билан М.Шеровга 1 хонали яшаш майдони 18,88 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 34,24 кв.м, айвон 44,50 кв.м, ертўла 54,40 кв.м, 4,01 кв.м ҳожатхонадан иборат бўлган уй-жой ва фойдаланишида бўлган 2019,68 кв.метр ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

2014 йил 9 июнда М.Шеров низоли уйни жавобгар С.Расуловга давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан сотган.

Туман ҳокимининг низоли уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш учун асос қилиб олинган, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги "Якка тартибда уй-жой қурувчиларни аризаларини кўриб чиқиш ва ер ажратиш билан боғлиқ масалаларини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида"ги 2013 йил 25 мартдаги хулосасидан кўринишича, фуқаро М.Шеровга қарашли уй-жой 1996-2000 йилларда қурилганлиги ва у оила аъзолари билан яшаб келаётганлиги кўрсатилган. Бироқ қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2014 йил 14 февралда берилган 544-сонли маълумотномада М.Шеров мазкур маҳаллада яшамаслиги ва хўжалик дафтарида қайд қилинмаганлиги ҳамда ҳисобда турмаслиги кўрсатилган.

Ушбу қарама-қаршилиқлар судлар томонидан муҳокама қилинмаган ва тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Суд қарорларида уй-жойга нисбатан марҳум Шер Қораев ва Нор Шеровларнинг эгалик ҳуқуқини тиклаш учун бирон-бир ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги сабабли эгалик ҳуқуқи тикланмаганлиги кўрсатилган бўлса-да, ер майдони марҳум Шер Қораевга умрбод фойдаланиш учун ажратилган-ажратилмаганлиги юзасидан давлат архивидан маълумот олинмаган. Шунингдек, судларнинг низоли уй-жой-

га эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ҳоким қарори даъвогар Б.Шеровнинг манфаатларига таъсир қилмаслиги ҳақидаги хулосаси билан ҳам келишиб бўлмайди.

Туман ҳокимлиги М.Шеровга низоли уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилашда ер участкаси унга мерос қилиб қолдириладиган умрбод фойдаланишга ажратилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинмаганлиги ҳамда якка тартибдаги иморат қурувчи эмаслигини инобатга олмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Олий суд суд судлов ҳайъатининг 2015 йил 2 июндаги ажрими билан ушбу фуқаролик иши юзасидан чиқарилган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 4 ноябрдаги ажрими, 2015 йил 27 февралдаги раёсат қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанция судига юборилди.

**Процессуал қонун талаби бузилгани натижасида ҳал қилув қарори бекор қилинди.**

Ш.Ҳакимов судга жавобгар А.Ҳайдаровга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонидан кўчиришни сўраган.

Ўз навбатида А.Ҳайдаров судга жавобгар туман ҳокимлиги ва бошқаларга нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрдаги 329-қсонли ва 2012 йил 2 апрелдаги 168-қсонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ш.Ҳакимовнинг жавобгар А.Ҳайдаровга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонидан кўчириш тўғрисидаги даъво талаби рад қилиниб, А.Ҳайдаровнинг қарши даъво талаблари қаноатлантирилган. Яъни туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрда-

ги 329-қ-сонли ва 2012 йил 2 апрелдаги 168-қ-сонли қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 16 декабрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 сентябрдаги 143-қ-сонли қарорига асосан А.Ҳайдаровга 70.0 кв.м, ер майдони фойдаланиш учун ажратиб берилган.

Туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрдаги 329-қ-сонли қарори билан Ш. Ҳакимовга нонвойхона қуриш учун 60.0 кв.м, ер майдони ажратиб берилган.

Шу туман ҳокимининг 2012 йил 2 апрелдаги 168-қ-сонли қарори билан шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 сентябрдаги 143-қ-сонли қарори бекор қилиниб, туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрдаги 329-қ-сонли қарори ўз кучида қолдирилган.

Ш.Ҳакимов даъво аризасида туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрдаги қарори билан иш ўринлари яратиши учун нонвойхона қурилишига ажратилган 60,0 кв.м, ер майдонини А.Ҳайдаров ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлигини, унга асос қилиб 2001 йил 6 сентябрдаги Шаҳрихон шаҳар ҳокимининг қарорини кўрсатганлигини, бироқ Шаҳрихон туман ҳокимининг 2012 йил 2 апрелдаги қарори билан шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 сентябрдаги қарори бекор қилиниб, туман ҳокимининг 2007 йил 8 ноябрдаги қарори ўз кучида қолдирганлигини, А.Ҳайдаров ҳозирга қадар туман ҳокимининг қарори ижросини таъминламасдан келганлигини, ушбу масала туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳи томонидан жойида ўрганилиб, 2013 йил 22 июнь ва 30 август кунларида далолатнома тузилиб, А.Ҳайдаров икки маротаба ёзма равишда огоҳлантирилганлигини, шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 сентябрдаги А.Ҳайдаровга ер ажратиш ҳақидаги қарорининг асл нусхаси, қарор чиқаришга асос бўлган ҳужжатлар (ер олиш учун ёзилган

А.Ҳайдаровнинг аризаси, ер бериш комиссиясининг далолатномаси ва ҳ.к.) вилоят ва туман давлат архивларида умуман йўқлиги ва сақланмаганлигини асос қилиб кўрсатган.

Бу ҳолат давлат архиви вилоят бўлимининг 2012 йил 11 февралдаги хати билан ҳам тасдиқланган.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг 1997 йил 24 октябрдаги 257-Қ-сонли ва туман ҳокимининг 1997 йил 1 ноябрдаги 496-Қ сонли қарорлари билан Н. шаҳар ҳокимлиги тугатилиб, шаҳар ҳокимлиги лавозими бекор қилиниб, М.Усмонов шаҳар ҳокими лавозимидан бўшатилиб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинлангани, шаҳар ҳокимлиги 1997 йилда тугатилган бўлса-да, орадан тўрт йилдан кейин 2001 йил 6 сентябрда Н. шаҳар ҳокими номидан фуқароларга ер бериш ҳақида қарорлар чиқарилганлигини кўрсатган. (и.в. 53-58 бетлар).

Суд ишни кўришда шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 сентябрдаги қарори билан А.Ҳайдаровга ободонлаштириш учун ажратилган ер майдонидаги қурилмалар қачон қурилганлигини, туман ҳокимининг 2007 йилдаги қарори билан Ш. Ҳакимовга нонвойхона қуриш учун шу ер майдонини ажратиб беришга нима асос бўлганлигини, Н. шаҳар ҳокимлиги қачон тугатилганлиги ва умуман, шаҳар ҳокими ер ажратиш ваколатига эга ёки йўқлигини аниқламасдан ҳамда туман ҳокими вакилини ишга жалб қилмасдан, унинг иштирокисиз фуқаролик ишини кўриб яқунлаган.

Апелляция инстанцияси ҳам қайд этилган ҳолатларни атрофлича текшириш чораларини кўрмасдан, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш билан чекланган.

Олий суд судлов ҳайъатининг 2015 йил 16 июндаги ажрими билан туманлараро судининг 2014 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарори ва вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 16 декабрдаги ажрими бе-

кор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборди.

**Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорини бекор қилиш ҳақидаги ариза асоссиз рад этилгани сабабли суд ажрими бекор қилинди.**

Л.Кабинова судга жавобгарлар Р.Исоева, Ш.Болтаев ва Ш.Болтаеваларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, дўкон, ер участкаси ҳамда уй-жойга мерос очилганлигини кўрсатиб, ўғли М.Болтаевни меросхўр деб топиб, мерос мулкидан улуш ажратишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2007 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, дўконнинг 1/2 қисмига жавобгарлар ва вояга етмаган Ш.Болтаев тенг равишда меросхўр деб топилиб, шу қисмдан ҳар бирларининг улуши 1/4 қисм деб белгиланган ва дўкон умумий фойдаланишга қолдирилган.

Даъвонинг уй-жой ҳамда ер участкасига меросхўр деб топиш ҳақидаги қисми муҳокамадан чиқарилган.

